



Хаётбахш ташаббуслар
нафақат турмушни, балки
тафаккурни ҳам ўзгартиряпти

3-с.

“Тартиб ва интизом
ўрнатишни “еттилик”
идорасидан бошладик”

4-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

№50
(2378)

2026 йил
24 июнь,
ЧОРШАНБА

Maḥalla

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

“ТОП-100”:
СИЗНИНГ ҚАНДАЙ
ТАШАББУС ВА
ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

БИР ҚАРОР, ИККИ СИНОВ:
ИҚТИСОДИЙ
ФОЙДА
ВА ИЖТИМОИЙ
ЙЎҚОТИШ
ЎРТАСИДАГИ
НОЗИК
МУВОЗАНАТ

Бугун маҳалла фаолиятига баҳо беришда одамлар ҳаётидаги ҳақиқий ўзгаришларга эътибор қаратиш муҳим. Шу нуқтаи назардан қараганда, маҳалламиз фаолияти кўплаб жиҳатлари билан намуна бўлишга арзийди.



Маҳаллада қўлланилаётган самарали ёндашув — ҳар бир хонадоннинг ижтимоий харитасини юритиш амалиётидир. Бу орқали қайси оилада қандай эҳтиёж борлиги, кимга иш кераклиги, ким касб ўрганиш истагида экани ёки ким ижтимоий кўмакка муҳтожлиги доимий таҳлил қилинади. Натижада муаммолар катталашиб кетмасдан олдин аниқланади ва ечим топилади.

Шу тамойил асосида йил бошида 37 нафар ишсиз фуқарони рўйхатга олдик. Бу рақам оддий статистика эмас, балки 37 та оиладаги ташвиш, 37 та хонадоннинг иқтисодий барқарорлиги билан боғлиқ масала эди. Шу боис ҳар бир фуқаронинг билим ва кўникмалари ўрганилди, қизиқишлари таҳлил қилинди, қорхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда бўш иш ўринлари шакллантирилди. Натижада бугунга келиб мазкур 37 нафар фуқаронинг барчаси доимий иш билан таъминланди.

Давоми 2-саҳифада.

МАҲАЛЛА РИВОЖИДА ЯНГИ БОСҚИЧ: ИЛМ, ИННОВАЦИЯ ВА БУНЁДКОРЛИК УЙҒУНЛИГИ

КУН НАФАСИ



Президент Шавкат Мирзиёев маҳаллалар фаолиятини рақамлаштириш ва Маҳаллани ривожлантириш миллий институтини ташкил этиш юзасидан тақдимот билан танишди.

Мамакатимизда жорий йил “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилингани муносабати билан аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, маҳаллалар инфратузилмаси ва ижтимоий муҳитини яхшилаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада йил якунига қадар 1 миллион нафар аҳолини доимий иш билан таъминлаш, 181 мингта оилани камбағалликдан чиқариш, камбағалликдан холи маҳаллалар сонини 2,5 баробар ошириб, 3,5 мингтага етказиш, ишсизлик ва камбағаллик даражасини 4,5 фоизгача тушириш мақсад қилинган.

Йил бошида инфратузилма, аҳоли турмуш даражаси, бизнес фаоллик ва молиявий имкониятлари чекланган 37 та “оғир” туман ҳамда 915 та “оғир” маҳалла билан ишлаш бўйича янги тизим яратилган эди. Бунинг учун барча зарур маблағлар ажратилди. Хусусан, республика бюджетидан “оғир” туман ва маҳаллаларда инфратузилмани яхшилаш учун 12 триллион сўм йўналтирилди. Бунга қўшимча равишда ҳар бир шундай туманга 50 миллиард сўмдан, ҳар бир маҳаллага 2 миллиард сўмдан маблағ берилди. Вилоят ҳокимликлари томонидан ҳам мазкур 37 та туманининг ҳар бирига 10 миллиард сўмдан, 915 та маҳалланинг ҳар бирига эса 1 миллиард сўмдан маблағ ажратилди. Натижада туман ҳокимликлари ва маҳаллий Кенгашлар “оғир” туман ва маҳаллалар учун қўшимча яна 4 триллион сўм маблағга эга бўлди.

Давоми 2-саҳифада.

БУГУНГИ СОНДА:

“Хотин-қизлар ишсизлигига бефарқ қараб туролмайман”

“Йил бошида ўтказилган ҳатловда 36 нафар аёлни ишсиз сифатида рўйхатга киритган эдик. Қисқа фурсатда уларнинг барчасини қизиқишларидан келиб чиқиб, банд қилдик. Ҳар бир инсон ўзига берилган имкониятни тўлиқ намоён этиши керак, деб ҳисоблайман”.

4-с.

Одамлар қўли меҳнатдан, кўнгли эртанги кун умидидан узилмаган

“Маҳалламизда томорқачилик оддий машғулот эмас, бу — яшаш тарзи. Кўпчиликнинг рўзғори ҳам, баракаси ҳам шу ҳовлисидаги еридан чиқади. Бир хонадонга қирсангиз, полиз экини, бошқисида сабзавот, яна бошқисида мева-мевалар — ҳаммаси бор”.

5-с.

Барча бирдек эътиборда, ҳеч бир одам яққаланиб қолган эмас

Хайрли ва савобли ишлар инсон қадрини улуғлаш, ҳеч бир фуқарони эътибордан четда қолдирмасликдек улуғвор мақсадларга хизмат қилмоқда. Ўз фуқароларининг дардига малҳам бўла оладиган давлатнинг келажаги эса, албатта, буюк бўлади.

6-с.

5-саҳифа

Катта натижа учун туғилган жой эмас, танланган йўл муҳим



7-саҳифа

Тадбиркорни тингласангиз, тўғри йўл кўрсатсангиз, ишонч ортаверади



МАҲАЛЛАМИЗ ИФТИХОРИ

“МАҲАЛЛА
КЎЧАСИДАН МУНДИАЛ
МАЙДОНИГАЧА
ЕТИБ КЕЛИШ
ОСОН БЎЛМАГАН”

Айни кунларда АҚШ, Канада ва Мексика майдонларида ўтаётган футбол бўйича жаҳон чемпионати баҳслари бутун дунё аҳли нигоҳини ўзига қаратган. Мусобақада ҳамюртларимиз илк бор қатнашаётган бўлса-да, муҳлису мутахассислар меҳрини қозона оляпти.

Айниқса, Колумбияга қарши биринчи ўйинда ўзининг кучли зарбаси билан дарвоза тўсинини титратган миллий терма жамоамиз ҳимоячиси Бехрузжон Каримовнинг исми кўпчиликнинг тилидан тушмаяпти. Ҳа, биз 18 ёшли йигитни шу кунга ўзимиз учун кашф этдик. Унинг олис маҳалла майдонларидан катта футбол анжуманигача босиб ўтган йўли, болалиги ва оилавий муҳити эса чинакам ҳаётини сабоқларга бойдир.

Давоми 3-саҳифада.





ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ Наманган вилоятига ташриф буюриб, Халқаро мақом фестивалининг очилиш маросимида иштирок этди.



ЎЗБЕКИСТОН, ҚОЗОҒИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН ёз мавсумида сувдан самарали фойдаланишга келишди.



Тошкент инвестиция форуми якунларига кўра, 43,1 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРЛИК БИТИМЛАР имзоланди.

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

КУН НАФАСИ

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

МАҲАЛЛА РИВОЖИДА ЯНГИ БОСҚИЧ: ИЛМ, ИННОВАЦИЯ ВА БУНЁДКОРЛИК УЙҒУНЛИГИ

СОЛИҚНИНГ 15 ФОИЗИ МАҲАЛЛАДА ҚОЛАДИ

Тақдимотда маҳаллаларни қўлаб-қувватлаш учун Республика маҳалла жамғармасига яна 200 миллиард сўм ажратилгани маълум қилинди. Шунингдек, маҳаллалар учун 300 миллиард сўмдан зиёд қўшимча доимий даромад манбалари яратилмоқда.

Жумладан, маҳалла ҳудудида санитария ва ноқонуний қурилиш бўйича жарималарнинг бир қисми маҳалла бюджетларига йўналтирилади. Ер ва мол-мулк солигидан тушадиган тушумларнинг улуши 10 фоиздан 15 фоизга оширилади. Буш майдонларни ижарага бериш ва айрим биноларни сотишдан тушадиган маблағлар ҳам маҳаллаларнинг ўзида қолдирилади.

Ушбу маблағлар, биринчи навбатда, ички йўлларни таъмирлаш, пидедалар йўлакчаларини ташкил қилиш, болалар ва спорт майдончаларини қуриш, маҳалла боғларини барпо этиш, эҳтиёжманд оилалар бандлигини таъминлаш бўйича дастурларни амалга оширишга йўналтирилади.

Шу билан бирга, жиноят йўлига адашиб кириб қолган 245 минг нафар фуқарони касб ва ҳунарга ўқитиш, уларни ижтимоий ҳаётга қайтариш бўйича алоҳида ишлар ташкил қилинади.

МАҲАЛЛА ФАОЛИЯТИГА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ КИРИБ БОРАДИ

Тақдимотда маҳаллалар фаолиятини рақамлаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. “Маҳалла еттилиги” томонидан уйма-уй ўрганишлар давомида 1 миллион 365 минг нафар аҳолининг муаммолари аниқлангани қайд этилди.

Ушбу муаммоларни тезкор ҳал қилиш мақсадида 35 та вазирлик ва идоранинг ахборот тизимлари “Рақамли маҳалла” платформасига уланади. Платформа орқали маҳалладаги долзарб масалаларни аниқлаш, муносабатларни тизимли таҳлил қилиш ва тегишли ечимларни тезкор белгилаш имкони яратилади.

Шунингдек, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали ҳар бир маҳалладаги энг долзарб муаммоларни олдиндан аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича янги тизим йўлга қўйилади.

Ҳар бир маҳалланинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, банклар билан биргаликда аҳолининг бизнес ташаббуслари ва инвестиция лойиҳалари портфели шакллантирилади. Бу маҳалладаги мавжуд имкониятларни иш ўрни ва даромад манбаига айлантиришга хизмат қилади.

МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МИЛЛИЙ ИНСТИТУТИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Тақдимотда маҳалла фаолиятини илмий асосда ташкил этиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Қайд этилганидек, шу вақтгача мамлакатимизда тадқиқ этилган 20 мингга яқин илмий ишнинг атиги 10 тасида маҳаллага алоқадор айрим масалалар ўрганилган.

Шу муносабат билан Маҳаллани ривожлантириш миллий институтини ташкил этиш тақлифи билдирилди. Институт фаолияти катта илмий салоҳиятга эга Давлат бошқаруви академияси билан боғлиқ ҳолда йўлга қўйилади.

Давоми. Бошланғич 1-саҳифада.



Янги институт маҳалла тизимидаги ислохотларни илмий таҳлил қилиш, илғор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш, “еттилик” фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Ушбу тизим орқали ҳар йили 21 минг нафар маҳалла тизими ва “еттилик” аъзоларининг малакаси оширилади.

МАҲАЛЛА БИНОЛАРИ ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИҚДА ҚУРИЛАДИ

Маҳалла фуқаролар йиғинлари бинолари масаласи ҳам муҳокама қилинди. Бугунги кунда 99 та маҳалла ўз биносига эга эмас, яна 84 тасининг биноси шаҳарсозлик меъёрларига мос келмайди, 4 та бино эса авария ҳолатида экани қайд этилди.

Тадбиркорлар томонидан маҳалла биноларини хусусий шериклик асосида қуриш, биноларнинг бир қисмига “еттилик”ни бепул жойлаштириш, қолган қисмида эса аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қиладиган кичик цехлар ва сервис объектиларини ташкил этиш таклиф қилинди.

Президентимиз мазкур таклифларни қўлаб-қувватлаб, мутасаддиларга “Рақамли маҳалла” платформасини тўлиқ ишга тушириш, маҳаллаларнинг доимий даромад манбаларини кенгайтириш, Маҳаллани ривожлантириш миллий институтини фаолиятини ташкил этиш ҳамда маҳалла биноларини хусусий шериклик асосида барпо қилиш бўйича топшириқлар берди.

Президент Матбуот хизмати ахбороти асосида тайёрланди.

МУСОБАҚА

ЁШЛАР ШИЖОАТ ВА ҒАЙРАТ БИЛАН БЕЛЛАШДИ

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан йўлга қўйилган “Шижоат ва ғайрат” ҳарбий-спорт мусобақасининг финал босқичи бўлиб ўтди.



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ёшлар ишлари агентлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлиги ва Спорт вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақанинг бу йилги мавсумида 18-22 ёш тоифасидаги 200 минг нафардан зиёд маҳалла ёшлари иштирок этди.

Тўрт босқичда қизғин кечган беллашувларнинг ҳал қилувчи финали Чирчиқ шаҳридаги ҳарбий қисмда юқори савияда ўтказилди. Унда ҳудудлардан келган энг кучли жамоалар ўзининг жисмоний тайёргарлиги, мардлиги ва жамоавий ҳамжиҳатлигини ёрқин намоён этди.

Мусобақа шартларига кўра, иштирокчилар 7 та шарт асосида беллашди. Жумладан, улар турникда тортилиш, орқа билан ётган ҳолатда танани кўтариш, ўқув қўл гранатасини узоқликка улоқтириш, узоқ масофага югуриш, қисқа масофага югуриш, АК-74 (Калашников автоматини) нотўлиқ қисмларга ажратиш ва йиғиш ҳамда мерганлар беллашувида қатнашди.

Қизғин беллашувлар якунига кўра, қуйидаги маҳалла ёшлари ғолиблик шохсупасидан жой олди:

- 1-ўрин — Андижон вилояти Марҳамат туманидаги “Алитепа” жамоаси (100 миллион сўм, эсдалик совғалари ҳамда маҳаллада универсал спорт майдончаси қуриб берилади);
- 2-ўрин — Қорақалпоғистон Республикаси Канлиқўл туманидаги “Наврўз” жамоаси (75 миллион сўм, ноутбук, маҳаллада стритбол ва воркаут майдончаси қуриб берилади);
- 3-ўрин — Хоразм вилояти Шовот туманидаги “Қумёб” жамоаси (50 миллион сўм, велосипед ҳамда маҳаллада воркаут майдончаси қуриб берилади).

Республика босқичига қадар етиб келиб, муносиб иштирок этган қолган 11 та жамоанинг ҳар бирига 30 миллион сўмдан пул мукофоти топширилди. 1-ўринни эгаллаган “Алитепа” жамоаси аъзоларига олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган олий таълим муассасаларига кириш учун имтиёзли тавсияномалар берилди.

Давоми. Бошланғич 1-саҳифада.

БИР ҚАРОР, ИККИ СИНОВ: ИҚТИСОДИЙ ҲОЛДА ВА ИЖТИМОИЙ ЙЎҚОТИШ ЎРТАСИДАГИ НОЗИК МУВОЗАНАТ

Мансур ОТАБОВЕВ, Иштихон туманидаги “Йўлтепа” маҳалласи раиси.

Маҳаллада ижтимоий муҳитнинг барқарорлиги ҳам диққатга сазовор. Бугун бу ерда оилавий ажралиш ҳолатлари қайд этилмаган. Шу билан бирга, чет элда меҳнат қилиб юрган 108 нафар фуқаронинг барчаси юртга қайтарилди ва иш билан таъминланди. Бир қарашда бу икки йўналиш мустақил кўринса-да, аслида, улар бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлган, ўзаро таъсир қилувчи ижтимоий ҳодисалардир.

Чет элга иш излаб кетиш — кўп ҳолларда иқтисодий зарурат, оилавий ажралиш эса руҳий ва ижтимоий босимнинг энг оғир оқибатларидан бири сифатида намоён бўлади. Бир қарашда икки хил муаммо, аслида эса бир занжирнинг икки ҳалқаси.

Миграцияда юрган инсон кўпинча оиласини таъминлаш, уй-рўзгорни яхшилаш мақсадида йўлга чиқади. Лекин вақт ўтиши билан масофа фақат географик эмас, балки ҳиссий масофага ҳам айланади. Ота-онанинг меҳри, турмуш ўртоқлар ўртасидаги мулоқот ва фарзандлар билан боғлиқ тарбия жараёнлари узилиб қолади. Шу нуқтада иқтисодий ғойда билан ижтимоий йўқотиш ўртасида нозик мувозанат пайдо бўлади.



Айнан шу мувозанат бузилганда оилавий муносабатлар заифлашади. Кўп ҳолларда ажралиш бир лаҳзали қарор эмас, балки йиллар давомида йиғилиб борган тушунмовчиликлар, етишмаган эътибор, узоқлик келтириб чиқарган совуқликнинг натижаси бўлади. Яъни миграция оилавий муносабатларнинг синов майдонига айланади.

Шунинг учун бу икки масалани алоҳида эмас, бир тизим сифатида кўриш зарур. Чет элга кетган фуқарони қайтариш ёки иш билан таъминлаш қанчалик муҳим бўлса, унинг оиласи билан боғлиқ ижтимоий муҳитни сақлаш ҳам шунчалик зарур. Чунки инсон қайтган тақдирда ҳам, агар оилادا барқарорлик йўқолган бўлса, унинг қайтиши тўлиқ ечим бўла олмайди.

Маҳалла даражасида бу масалага ёндашув ҳам комплекс бўлиши керак: мигрант фуқаро билан бирга унинг оиласи билан ҳам тизимли ишлаш, фарзандлар таълими, аёлларнинг бандлиги, психологик қўлаб-қувватлаш ва ижтимоий назоратни бир нуқтада уйғунлаштириш зарур. Акс ҳолда, иқтисодий ечимлар ижтимоий муаммоларни тўлиқ қоплай олмайди.

Энг муҳим ҳулоса шуки, инсоннинг меҳнати юртидан узоқда бўлса-да, унинг ҳаёти юртидан узилиб кетмаслиги керак. Чунки оила мустаҳкам бўлса, миграция вақтинчалик ечим бўлади; оила заифлашса, ҳар қандай даромад барқарорлигини таъминлаб беролмайди. Демак, ҳақиқий ечим — инсонни қайтариш эмас, балки уни оиласи билан бирга сақлаб қолдиган ижтимоий муҳит яратишдир.



Ўзбекистонда
исталган банк ёки
тўлов тизими орқали
тўловларни қабул
қилиш имконини
берувчи UzQR ТИЗИМИ
ИШ БОШЛАДИ.



АМЕРИКАНИНГ
“AMAZON LEO”
КОМПАНИЯСИ
Ўзбекистонда юқори
тезликдаги сунъий
йўлдош интернетни
хизматларини
тақдим этади.



МУРОЖААТЛАР БЎЙИЧА
ЭНГ САЛБИЙ БАНКЛАР
рейтингда Бизнесни
ривожлантириш
банки, Анорбанк ва
Микрокредитбанк
дастлабки учликни
эгаллади.

2026 йил
24 ИЮНЬ,
ЧОРШАНБА

Mahalla №50

3

“ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!”

ТОШКЕНТ В.

МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

“БИЗГА ЁРДАМ БЕРМАЯПТИ”, ДЕМАДИК, ИМКОНИЯТ ИЗЛАБ ТОПДИК”

Бир куни маҳалламизда яшовчи икки фуқаронинг суҳбатига гувоҳ бўлиб қолдим. Бири “Давлат бизга ёрдам бермаяпти, нафақа пулимиз кам, шароит, иш йўқ”, деб нолиётган эди. Иккинчиси эса қулимсираб, “Биродар, нолигандан фойда йўқ, ана, оёғимиз остида оқиб ётган лойқа сув, қаровсиз ётган зовур бўйи ҳам аслида тайёр хазина-ку!”, деди.



Равшанжон АБДУРАЗЗОҚОВ,
Бекобод туманидаги
“Назарбой” маҳалласи
ҳоким ёрдамчиси.

Ушанда ҳақиқий тадбиркорнинг кўзи билан боқиманда инсоннинг қараши ўртасидаги фарқни англадим. Ҳоким ёрдамчиси сифатида шуни тушундимки, одамларга фақат моддий ёрдам беравериш уларни дангаса қилиб қўяди. Шу боис аксинча йўл тутиб, керак бўлса, уларга сувдан ҳам пул топишни ўргатиш лозим.

Маҳалладошимиз Абдурахмон Ғоиповнинг лойиҳаси ана шу ҳақиқатнинг ёрқин исботи бўлди. Ҳоким ёрдамчиси бўлиб иш бошлаганимда, олдимга битта қатъий мақсад — ҳудудда камбағалликни қисқартириш ва ишсизликни камайтириш режасини қўйган эдим. Ўтган вақт шуни кўрсатдики, шароит ва имконият берилса, одамлар ишлайди, изланади, даромад топади. Энг тўғри йўл — уларни қўлаб-қувватлаш ва тадбиркорликка йўналтириш.

Кўпчилик “ишлашга ер, шароит йўқ”, деб баҳона излаб, боқиманда бўлиб ўтирган бир вақтда, Абдурахмон ақанинг оиласи мутлақо бошқача йўл тутди. Йиллар давомида қаровсиз, фойдаланилмай ётган зовур бўйлари ва ташландиқ ер майдонларини ўзлаштириб, кўп тармоқли хўжалик ташкил этиш ташаббуси

билан чиқди. “Хонадонбай” ўрганиш давомида уларнинг бу ажойиб режасини тинглаб, дарҳол қўмаклашишга киришдим. Оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида 80 миллион сўм имтиёзли кредит расмийлаштириб бердик. Мана шу маблағ ҳақиқий “қармок” ва янги ҳаёт учун пойдевор бўлди.



Кредит маблағи ҳалол меҳнатга тикилганда қандай барака беришини шу оила исботлади. Дастлаб фақат балиқчилик билан шуғулланган бўлса, ҳозир ҳақиқий кўп тармоқли ишлаб чиқариш маркази яратилди.

Чорва ва туячилик йўналишида қўнига 50 литр тоза сут олиб, маҳалладошларимиз дастурхонига етказиб бермоқда. Паррандачиликда 60 дона тухум олинмоқда. 30 та асалари қутисидан йилига 300 кг. табиий асал нақд. Бундан ташқари, улар “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ўз ҳудудларига 2 минг тулдан зиёд мевали қўчатлар экишди. Илгари қаровсиз ётган яна 1 гектар ер майдонини бугун тўлиқ деҳқончилик ва тезкор мева берувчи боғга мослаштириб, маҳалламиздаги бир нечта ишсиз йигит-қизлар бандлигини таъминлашди.



НАМАНГАН

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Ҳаётбахш ташаббуслар нафақат турмушни, балки тафаккурни ҳам ўзгартиряпти



Маҳалла раиси сифатида иш бошлаган илк кунларимда идорамиз эшиги тагида узун навбатлар, норози қиёфадаги маҳалладошларимни кўриб, юрагим оғирди. Бугун вазият ўзгарди. Биз одамларни эшитишни, уларнинг дардига шерик бўлишни бош мақсадга айлантирдик.

Жасур АБДУСАТТОРОВ,
Мингбулоқ туманидаги
“Қозоқовул” маҳалласи раиси.

Республикада энг намунали “Top-100”та маҳалла сафига кирганимиз — баландпарвоз ваъдалар эмас, ҳаётий ташаббуслар маҳсулидир. “Тепадан — пастга” тамоийли асосида барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар марказида маҳалла асосий ўринга чиқди. Айниқса, фуқаролар йиғинлари раисларининг жараёнлар марказида бўлиши, мавжуд муаммоларни энг муҳим масала сифатида маҳаллий ҳокимликлар олдига қўя олиши ишимизни

янада самарали қилди. “Еттилик” ходимлари фақат ижрочи эмас, ташаббускорга айланди.

Биз ҳам шунга мос тарзда янгиларга қўл урдик. Ҳафтанинг бир кунини “Очиқ эшиклар ва “хонадонбай” суҳбат” кўни деб эълон қилдик. Энди одамлар идорага келмайди, биз ўзимиз уларнинг уйига бориб, муаммони жойида ҳал қиляпмиз.

Мисол учун, яқинда Рискивой Тўраев ичимлик сув босими пастлиги ва сув қувурлари эскиргани бўйича мурожаат қилди. Илгари бундай пайтда юқори ташкилотларга хат ёзиб, жавобини ойнаб кутардик. Энди эса, “еттилик” ўша захоти ҳаракатга тушди. Муаммони маҳалланинг ички имкониятлари ва ҳомий жалб қилган ҳолда, бартараф этдик. Янги қувурлар ётқизиблиб, нафақат Рискивой ақанинг, балки Гулистон ва Мезбон кўчасидаги яна 67 та хонадоннинг ичимлик сув муаммоси ҳал бўлди.

Ички йўллар ва тунги ёриш тизимларини янгилашда ҳам фақатгина давлат дастурлари ижросини кутиб ўтирмадик.

Аҳоли ўртасида ҳашар ва ҳам-жияхатлик маданиятини тикладик. Бирлашсак, кўп ишга қодир эканимизни англадик. Маҳалланинг кириш қисмига арка қурдик. Ташқи йўллар шағаллаштирилди. Гулистон, Мезбон, Дўстлик кўчасига қуёшдан қувват олувчи ёритиш чироқлари ўрнатилди. Бугун ўша кўчалардан ўтган инсоннинг баҳри дили очилди.

Ишсизликни қисқартиришда ҳам ўзига хос тажрибага эгамиз.

Энди аввалгидек, фақат вақтинчалик нафақа пули бериш билан муаммо ечимлигини биламиз. Бу билан боқимандалар сафи кенгайди, холос. Аҳолини ҳақиқий даромад манбаи билан таъминлаш йўлига ўтдик. Шу тарзда ҳаётини изга солган, турмуши фаровонлашган оилалар сони кўпайди. Яқингача ишсизлар рўйхатида турган Шоҳсанам Раҳмоновага аввал имтиёзли кредит ажратдик. Сўнгра қизиқиши ва тақлифига кўра, маҳалла гузаридан ер бердик. Ҳозир бу майдонда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари авжида. Насиб этса, Шоҳсанам Раҳмонова ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиб, новвойхона ташкил этади.

Бир сўз билан айтганда, мурожаатчиларга тайёр маблағ бериб дангаса қилгандан кўра, ички имкониятларни ишга соляпмиз. Бу орқали ташаббускорлар сафи кенгайишига эришяпмиз. Йил бошида 18 нафар ишсиз рўйхатга олинган бўлса, барчасининг бандлиги таъминланди. Ишсиз ёшлар устоз — шоғирд аънъанаси асосида касб-ҳунар ўрганишга йўналтирилди.

“ТОМОРҚАМДА БОҒ ЯРАТМОҚЧИМАН, ИМТИЁЗ БОРМИ?”

Самандар НОРМАТОВ,
Риштон тумани:

— Хонадонимда 7 сотих томорқа ери бор. Шу майдонга замонавий боғ яратмоқчиман. Бунинг учун давлатдан моддий ёрдам ёки имтиёзли кредит олсам бўладими?

Лазиз ҚАРШИЕВ,
Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ходими:

— Албатта, бўлади. Бу масала “2026 йилда ҳудудларни янгилаш” ёндашувлар асосида ривожлантириш орқали аҳоли даромадини ошириш, барқарор иш ўринларини яратиш ҳамда камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари туғрисида”ги Президент қарори билан тартибга солинган.

Унга кўра, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини қўлаб-қувватлаш мақсадида томорқа ва ижара ер майдонларидаги самарасиз эски



боғларни реконструкция қилиш ва янгиларини барпо этганлик учун субсидиялар берилади.

Жумладан, сертификатга эга мевали дарахт кўчати нархининг 50 фоизи, бироқ ҳар бир кўчат учун мева турига қараб 30 минг сўмдан ошмаган миқдорда, мевадорларни турига қараб ҳар бир ўрнатилган тиркак (устун) нархининг 50 фоизи, бироқ 70 минг сўмдан ошмаган миқдорда, ҳар бир сотихга ёмғир сувини йиғиш ва томчилатиб суғориш тизимини ўрнатиш учун 160 минг сўмгача миқдорда қайтариш шартисиз маблағ ажратилади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Саҳифани
“Mahalla”
муҳбири
Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.



МАҲАЛЛАМИЗ
ИФТИХОРИ



“МАҲАЛЛА
КЎЧАСИДАН
МУНДИАЛ
МАЙДОНИГАЧА
ЕТИБ КЕЛИШ
ОСОН
БЎЛМАГАН”

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ.

Бехрузжон Каримов улғайган, буюк аллома номи билан аталувчи Косонсой туманининг Маҳдуми Аъзам номидаги маҳалласи раиси Муродилла Аҳмедов ёш футболчилар ҳақида фахрланиб шундай дейди: “Бехрузжон маҳалланинг, бутун Косонсойнинг фахри ҳисобланади. Энг қувонарлиси, профессионал футболчи бўлиб, жаҳон чемпионатида уйнаётган бўлса-да, ўзининг оддийлигини, камтарлигини йўқотмаган. Қишлоққа келганда ҳали ҳам ўша болалиги ўтган туپроқ қўчаларда маҳалла оқсоқолларини кўрса, таъзим билан салом бериб ўтади. Унинг мана шу инсонийлик фазилати, отасига бўлган ҳурмати ва оғир жароҳатлардан кейин матонат билан оёққа туриб кетгани маҳалламиз ёшлари учун энг катта ибрат ва намунадир”.

Б.Каримов футбол сирасорларини жуда эрта — атиги 6 ёшидан ўргана бошлади. Биринчи мураббийи Шодмонхон Маматов бўлган.

— Биринчи устозим жуда қаттиққўл эди. Мени ҳақиқий мард инсон қилиб тарбиялади. Ҳозиргача ҳар бир ўйиндан олдин ва кейин улар билан телефон орқали гаплашиб, маслаҳатларини олиб тураман, — дейди Бехруз Каримов.

Кейинчалик у 7-синфда Наманган футбол академиясига қабул қилинади. Бу ерда ўзидан бир ёш катта болалар билан бирга ўқийди. Кичик Бехруз эрталаб майдонга

чиқиб, ёлғиз ўзи тинмай шуғулланарди. Бугунги “замбарак” зарбалари айнан ўша болаликдаги машаққатли меҳнат маҳсулидир.

Миллий терма жамоагача йўлда маҳалласи, оиласи, айниқса, оддий меҳнаткаш отасининг ўрни бекиёс бўлган. — Ўғлим, бешинчи синфгача шунчаки маъза қилиб тўп суриб юрарди. Кейин ёнимга чакчириб, жиддий гаплашдим. Унга ҳақиқий футболчи бўлиши шартлигини, бизнинг етолмаган орзуларимизни рўёбга чиқариши лозимлигини ўқитдим, — дея хотирлайди ўша кунларни отаси Алишер Исроилов.



Аммо бу йўл текис ва раван бўлмади. Наманганнинг бош жамоаси “Навбахор” таркибига қира олмагач, қаттиқ сиқилди. Бироқ таслим бўлмади. Одил Аҳмедовнинг “Odil Junior” академиясига йўл олди. Одил Аҳмедовнинг назарига тушиб, катта футболга кириб келди.

Қисқа вақтда терма жамоа таркибига жалб этилди. Айниқса, уни Фабио Каннаваро алоҳида эътибор билан қўлаб-қувватлади. Мундиал арасида оёқ панжа суяги синиб, оғир жароҳат олганда ҳам ана шу ишонч, отасига берган ваъдаси ва маҳалладошларининг дуоси билан атиги бир ойда оёққа турди.

Ҳақиқий қаҳрамонлар мана шундай оддий оилавий меҳр, қаттиққўл устоз тарбияси ва ҳалол меҳнат билан вояга етади.



ЕВРОПА ТИКЛАНИШ
ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ
темирйўл ҳаракатини
бошқариш тизими учун
38,4 миллион еврогача
маблағ ажратади.



Хусусий
КАСБИЙ ТАЪЛИМ
ТАШКИЛОТЛАРИ учун
божхона, ижтимоий
солиқ имтиёзлари
жорий этилади.



Ўзбекистонда
Жанубий Корея
билан ҳамкорликда
ОДАМСИМОН
РОБОТЛАР ишлаб
чиқарадиган завод
қурилиши бошланди.

4

Mahalla

№50

2026 йил
24 ИЮНЬ,
ЧОРШАНБА

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”



ТОШКЕНТ В.

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ИШСИЗЛИГИГА БЕФАРҚ ҚАРАБ ТУРОЛМАЙМАН”

Хонадонларга қайта ва қайта
киришдан сира эринмайман.
Мазкур тизимдаги ўн саккиз
йиллик тажрибам сабаб доим
одамлар дардини ўйлаб
яшайдиган бўлиб қолганман.
Оилалар қанчалик тинч
ва фаровон яшаса, шунча
қўнглим хотиржам. Айни
мақсадга эришиш учун ҳар бир
муаммони жойида ҳал қилишга
ўрганганман. Нуронийлар —
доимий ҳамроҳим.



Муқаддасхон ХАЛИЛОВА,
Уйчи туманидаги “Ёркатой”
маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Айни вақтда ҳудудимизда 2,5 минг
нафардан ортиқ аёл истиқомат
қилади. Уларнинг кўпчилиги ишлаб
чиқариш корхоналарида банд. Маҳал-
лий тикувчилик цехларида меҳнат қи-
либ, топаётган даромадидан жуда мам-
нун. Хотин-қизлар асосий ишидан бўш
вақтида томорқага ишлов беради. Ҳар
қарич ердан унумли фойдаланиб, қў-
шимча пул топади.

Дилбархон Абдуллаева — катта таж-
рибага эга асаларичи. Ҳозирги кунда
300 қўтидан ортиқ асалариси бор. Бу
аёлнинг шижоати ва ғайратига ҳамма-
нинг ҳаваси келади. Қўни-қўшнилари
ва қизиқувчиларга соҳа сирларини ўр-
гатишдан завқ туяди. Уйда бир неча
марта семинарлар ташкил этиб, аҳоли
вакилларига айни йўналишнинг ўзига
хос афзалликларини тушунтириб берди.
Бу учрашувлар яна бир неча кишининг
бандлигига сабаб бўлди.



Дилбархон опанинг гулларга
ҳам меҳри бошқача. Айни
вақтда ҳовлисига кирсангиз,
200 хилдан ортиқ чечакларнинг
тароватини ҳис қиласиз.
Бир-биридан ажойиб бу
ўсимликлар фақатгина
хонадонга файз бағишлаб
қолмай, балки дилларга қадар
табиат қувватини етказди.

Маҳалламиздаги битта кўча тўлиқ ис-
сиқхоначилик билан шуғулланади. Шу
ерда истиқомат қиладиган Шаҳзода Аб-
дурахимова шу усулда цитрус мевалар
етиштиради. Ҳосилни маҳаллий бозор-
дан ташқари, хорижга экспорт қилиш-
нинг ҳам уйдасидан чиқяпти. Айниқса,
киви дарахтлари бошнини эгиб, ҳосил-
га кирган. Бу неъматдан бутун маҳалла
ахли баҳраманд бўляпти. Гарчи аёл мак-
табда ўқитувчилик қилса-да, уйига қайт-
ганда сеvimли машғулотига шўнғийди.
Бундан ташқари, чорвачилик бўйича
ҳам ютуқлари катта. 15 бош зотдор қўйи-
дан анчагина даромад қутяпти.

Йил бошида ўтказилган ҳатловда
36 нафар аёлни ишсиз сифатида рўйхат-
га киритган эдик. Қисқа фурсатда улар-
нинг барчасини қизиқишларидан келиб
чиқиб, банд қилдик. Мен хотин-қизлар-
нинг ишсизлигига бефарқ қараб турол-
майман. Ҳар бир инсон ўзига берилган
имкониятни тўлиқ намоён этиши керак,
деб ҳисоблайман.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

“Тартиб ва интизом ўрнатишни “еттилик” идорасидан бошладик”

Ҳар куни
идорамизда иш
жўшқин кайфиятда
бошланади. “Еттилик”
ходимларининг
вақтида ўз ўрнида
бўлиш қатъий қоидага
айланган. Имкон
қадар ҳеч ким кечга
қолмасликка ҳаракат
қилади.

Мухтор ПАНЖИЕВ,
Бўстонлик туманидаги
“Бунёдор” маҳалласи
раиси.

Тўла-тўқис таркиб би-
лан, аввало, режа ту-
зишга киришамиз. Кел-
ган топшириқларни бекаму
қўст бажариш, аҳоли хонадон-
ларини айланиш, тадбиркор-
лар билан учрашиш, низо-
ли оилаларга кириш бўйича
ҳамма ўз йўналишидан келиб
чиқиб, лойиҳаларини тақдим
этади. Кун якунига бориб эса
қилинган ишлар бўйича ҳисо-
бот тинглаймиз.



Аслида, маҳаллада тартиб
ва интизом ўрнатишни идо-
радан бошлаш керак. Шунда
фуқароларга ҳақиқий намуна
кўрсатган бўламиз. Қолаверса,
озодаликда ҳикмат кўп. Доим
ҳудудимизни айланганда, шу
жиҳатга алоҳида эътибор бера-
ман. Супурилган кўчалар, ариқ
бўйларига экилган гулу рай-

хонлардан инсон ўзгача қув-
ват олади. Одамларимиз ҳам
покизаликни яхши кўришади.
Қай бир эшикни тақиллатиб
бормайлик, ўзига хос файзу
шукўҳни ҳис қиламиз.
Маҳалламиз “драйвер”и
чорвачилик ва деҳқончилик
ҳисобланиб, аҳоли вакиллари
кичик томорқасидан ҳам катта

даромад олишнинг уйдаси-
дан чиқяпти. Кимдир малина
етиштирса, яна бирови иссиқ-
хонада лимон парваришлай-
ди. Хотин-қизлар орасида эса
гулчилик билан шуғулланиб,
мўмай даромад топаётганлар
талайгина.

Ҳеч қачон маҳаллада қи-
лингн меҳнат бесамар кет-

майди. Куни келиб у, албатта,
ўз натижасини кўрсатади. Ав-
валлари ҳудудимизда “еттилик”
ходимлари тўлиқ эмасди. Бир-
галашиб бу камчиликни бар-
тараф этдик. Халқ билан янада
яқин мулоқотга киришиб, йил-
лар давомида ечилмаётган му-
аммоларга барҳам бердик.

Йилдан-йилга тадбиркор-
ликни ривожлантиряпмиз. Шу
орқали ажрашиш, жиноятчи-
лик ҳамда ишсизлик масала-
лари ижобий ечим топяпти.
Биргина Ойбек Одилов таш-
кил этган тикувчилик цехи
мисолида бун қяқол кўриш
мумкин. У айни вақтда 48 на-
фар аёлнинг доимий бандли-
гини таъминлаган. Ходимла-
рига камида 3,5 миллион сўм-
дан маош беради. Қурувчи ва
турли хусусий ишлаб чиқариш
корхоналарига тикиладиган
кийимларнинг эса буюртмачи-
лари жуда кўп.

Келгусида уйда ўтирган
опа-сингилларимиз ҳамда
меҳнат лаёқатига эга ноғи-
ронлиги бўлган фуқароларни
қўзиқорин етиштиришга жалб
қилишни режалаштирганмиз.
Янги йўналиш кўпчилида
қизиқиш уйғотяпти. Умид қи-
ламизки, бу борада ҳам яхши
натижаларни қўлга киритамиз.

МЕҲНАТДАН КЕЛСА БОЙЛИК

Ер “тили”ни топганларга томорқа тилла сандиқ



Бугун ер билан
“тиллаша олади-
ган”лар учун то-
морқа даромад ва
рўзғор тўқинлиги,
турмуш фаровонли-
ги манбаи. Олот ту-
манидаги ана шун-
дай меҳнаткаш ва
намунали оилалар-
дан бири Жумаев-
лар хонадонидир.

Хонадон эгалари Аҳмад Жумаев
ҳамда унинг умр йўлдоши Ра-
жабой опа 4 нафар фарзандни ҳалол
меҳнат билан вояга етказиб, эл қаторига
қўшган. Бугунга келиб улар 11 нафар се-
вимли набиранинг бобо-бувиси.

Жумаевлар оиласи ўз тасарруфидаги
25 сотих томорқа еридан самарали фой-
даланиб, деҳқончилик ортидан барака-
ли ҳосил етиштириб келишяпти. Эрта
бахордан ер тайёрлаб, унда картошка,
помидор, бодринг, булғор қалампири,
сабзи, ловия, ошқовоқ кабилар етиш-
тирилади.

Бир сотих ерда барпо
қилинган иссиқхона
учун маҳалла тавсияси
билан олинган
8 миллион сўм кредит
маблағи аллақачон
етиштирилган ҳосил
ҳисобидан қопланган.

Айни пайтда иссиқхонада
сабзавот маҳсулотлари, айниқ-
са, биргина помидордан йил
давомида икки марта ҳосил
олиниб, бундан ўртача 12 мил-
лион сўм даромадга эришилди.

Айни шу кунларда меҳнат-
каш хонадон еридаги картош-
кадан 1 тоннадан ортиқ маҳсу-
лот саранжомланган ва рўзғор
учун захира қилинган. Такро-
рий экин сифатида бақлажон,
булғор қалампири ва ловия
етиштирилмоқда.

Жумаевлар оиласи деҳқон-
чилик билан бир қаторда
чорвачилик, паррандачилик ва
қўенчилик йўналишларида ҳам
фаолият юритмоқда. Хонадон-
да сут, қатиқ, саригё, туҳум каби
қўндалик истеъмол маҳсулотла-
ри ҳалол пешона тери эвазига
етиштирилаётгани катта ютуқ,
албатта. Бу табиий тоза ва си-
фатли маҳсулот истеъмоли учун
имконият дегани.

Қолаверса, томорқада
етиштирилган сархил сабзавот-
нинг оила аътиёжидан ортгани
маҳалла ахли ва қўни-қўшни-
ларга сотилиб, қўшимча даро-
мадга эришилмоқда. Бу ҳам хо-
надон иқтисодий барқарорли-
гини мустаҳкамламоқда. Бундай
меҳнаткаш оилалар сафи туман-
да кенгайиб бораётгани аҳоли
турмуш даражасини яхшилаш,
рўзғор кам-қўстини бартараф
этишда жуда қўл келмоқда.

Бухоро вилояти ҳокимлиги
матбуот хизмати.



Саҳифани
“Mahalla” мухбири
Шаҳноза
РАҲИМХУҲАЕВА
тайёрлади.



— Ҳар қандай ишнинг бошида ҳа-
вотир бўлади. Лекин имконият берил-
ганда орқага қайтмадим, — дейди
Диловар Аҳмадқулова. — Ер бўлса
имконият бор, деган фикр билан ҳа-
рокат қилдим. Биринчи ҳаридорлар
келганида, меҳнатнинг қадрини ҳис
қилдим. Пешона тер орқали даромад
қилиш инсонга бошқача куч берар
экан. Томорқа, бу — шунчаки ер эмас,
тўғри фойдаланилса, оила иқтисоди
учун катта таянч экан.

Диловар опанинг тажрибаси бош-
қалар учун ҳам амалий намуна бўл-
моқда. Хонадондаги ушбу иссиқхона
оддий томорқа эмас, балки ҳаракат ва
оила фаровонлиги сари ташланган да-
дил қадамдир.

Дарҳақиқат, томорқадаги имкони-
ятни ўз вақтида кўраётган ва даромад
олишга интилиб, ҳаракат қилаётган
оилалар сони ортиб бормоқда. Бу эса
оила фаровонлиги, маҳалла тараққи-
ёти учун хизмат қилади.

Нигина ШОЕВА,
журналист.

Бир вақтлар оддий томорқа си-
фатида фойдаланилган ер майдони
бугун оила учун барқарор даромад
манбаи, барака рамзига айланган.
Давлат дастурлари доирасида кўр-
сатилган амалий ёрдам ва “маҳалла
еттилиги”нинг кўмаги билан аёл то-
морқасининг 10 сотих қисмида замо-
навий иссиқхона ташкил қилди.

Эрта баҳорда қўлпўнанинг ки-
лограмми 60 минг сўмдан сотилди.
Ёз ойларида бозорда нарх тушган
бўлса-да, маҳсулот 30 минг сўмдан
харидорини топди. Бу эса иссиқхона
фақат ҳосил эмас, балки барқарор
иқтисодий ечим эканини кўрсатди.



Битирувчиларнинг лойиҳалари учун 5 миллион долларлик “ВЕНЧУР ЖАМҒАРМАСИ” ташкил этилади.



БОКС БЎЙИЧА ЖАҲОН КУБОГИДА терма жамоамиз 12 та медаль — 4 та олтин, 3 та кумуш ва 4 та бронзани қўлга киритди.



Нуфузли хорижий олийгоҳни тугатганлар маошига БҲМНИНГ 5 БАРАВАРИДАН 15 БАРАВАРИГАЧА қўшимча устама тўланади.

2026 йил
24 ИЮНЬ,
ЧОРШАНБА

Mahalla №50

5

“ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”



“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

ОДАМЛАР ҚЎЛИ МЕҲНАТДАН, КЎНГЛИ ЭРТАНГИ КУН УМИДИДАН УЗИЛМАГАН



Чеккароқда яшашнинг ўз қийинчилиги бўлади. Лекин бир гап бор: ерга яқин одамнинг ризқи ҳам ердек кенг бўлади. Бизнинг ҳудуд ҳам шундай. Аҳоли сони салмоқли, лекин одамларимизнинг қўли меҳнатдан, кўнгли эса эртанги кундан узилмаган.

Топшўлат ШАРИПОВ.
Қизилтепа туманидаги
“Арабхона” маҳалласи раиси.

Маҳалламизда томорқачилик оддий машғулот эмас, бу — яшаш тарзи. Кўпчиликнинг рўзғори ҳам, баракаси ҳам шу ҳовлисидаги еридан чиқади. Бир хонадонга қирсангиз, полиз экини, бошқасида сабзавот, яна бошқасида мевали дарахт — ҳаммаси бор. Бўш ётган ер деярли учрамайди. Одамлар аввал оиласига етказди, ортганини бозорга олиб чиқади. Шундай қилиб уйдаги тупроқдан ризқ, ризқдан даромад топади.

Мен деҳқончилик ҳақида шунчаки гапирмайман. Ота-боболаримиздан қолган меҳнатнинг тафти хали ҳам қўлимдан кетмаган. Ўзим ҳам қишлоқ хўжалиги билан шуғулланаман. Тажрибам бўлса, уни одамлар билан бўлишишга ҳаракат қиламан. Чунки бўш турган ҳар қарич ернинг ҳам уволи бор. Сабаби, шу ердан бир парча насиба қутаётган, лекин ерга эга бўлмаган инсонлар ҳам оз эмас. Баъзан кўз илғамайдиган кичик бир ер бўлаги бутун бир оиллага барака олиб кириши мумкин.

Шу фикр билан йил бошидан иш бошладик. Рўйхатда турган 26 нафар ишсиз фуқародан 11 нафарига имтиёзли кредит олиб бериб, ўзини ўзи банд қилишига ёрдам бердик. Яна 5 нафарига кредит асосида қорва моллари олиб берилди. Бугун улар кимдандир иш қутиб ўтирмаяпти — ўзи ҳаракат қиялпти.



Албатта, ҳамма масаламиз ҳал бўлиб кетган эмас. Сув масаласи хали ҳам оғриқли нуқтамиз бўлиб турибди. Ҳозирча 50 та хонадонга сув етиб бормаяпти. Бу эса одамларнинг экинидан хавотир олиши дегани. Шу масалани мутасаддиларга етказдик. Ишонамизки, бу муаммо ҳам ўз ечимини топади.

Лекин ўзгаришлар ҳам йўқ эмас. Кеча ўнқир-чўнқир бўлган йўлларимиздан бугун чанг кўтарилмайди — 3 километр йўл асфальт қилинди. Олдин одамлар оддий тиббий ёрдам учун 5 километр узоққа қатнардик. Соғлом одамга масофа билинмаслиги мумкин, лекин бемор учун ҳар бир қадам оғир. Шу сабаб шифокорлик шохобчаси ишга туширилгани одамларимиз учун катта энгиллик бўлди. Олдимизда яна режалар кўп. Кичик қурилишларни баъзан маҳалладошлар билан ҳам-жихатликда уддалаймиз. Лекин пиёдалар йўлагини, соғломлаштириш майдони, болалар ўйин маскани каби ишларда кўмак керак бўляпти. Бу лойиҳаларни ҳам дастурга киритганмиз. Биз шошмаямиз. Чунки яхши ўзгариш дарахтга ўхшайди — бугун экилади, эртага парварishi қилинади, кейин эса соясини бутун маҳалла кўради. Энг муҳими, одамларнинг кўнглига йўл топиляпти.

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

Катта натижа учун туғилган жой эмас, танланган йўл муҳим

Маҳалламизда 1 163 нафар йигит-қиз истиқомат қилади. Сон жиҳатидан кўп бўлишнинг ўзи етмайди, энг қувонарлиси — улар орасида мақсади баланд, кўзи ёниб турган, эртанги кунини бугундан қураётган ёшлар кўп.

Достон ЙЎЛДОШЕВ,
Қўнғирот туманидаги
“Санъат” маҳалласи
ёшлар етакчиси.

Бугун уларнинг ҳар бири ўз йўлини топишга ҳаракат қияпти. Кимдир ер билан тиллашади, кимдир компьютер билан, яна кимдир китоб билан... Маҳалламизда 10 нафар ёш фермер бор. Улар дук-какли экин, пахта, буғдой етиштириб, ерга меҳр билан меҳнат қиялпти. Ёш бўлиш — фақат янги касб танлаш эмас, баъзан ота-бобо йўлини замон билан уйғун давом эттириш ҳамдир.

Лекин айрим ютуқлар бўладик, улар фақат битта инсоннинг натижаси бўлиб қолмайди — бошқаларга ҳам ишонч, журъат ва йўл кўрсатади. Шундай ёшлардан бири — Райимбек Узоқбоев. Унинг бугунги натижалари ҳақида гапирганда, бу шунчаки бир ўқувчининг муваффақияти эмас, меҳнат ва мақсаднинг қандай натижа беришига мисол, деб қараймиз.



Райимбек мактабни “Олтин медал” билан тамомилади. Шундан кейин бирин-кетин йирик имкониятлар эшиги очила бошлади. У бир вақтнинг ўзида бир нечта нуфузли олийгоҳлардан грант асосида ўқиш имкониятини қўлга киритди. “Янги Ўзбекистон” университетига тахсил олиш жараёнида АҚШ ва Буюк Бри-

таниянинг нуфузли университетларидан қабул олди, кейинчалик “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиантига айланди. Бугун у АҚШнинг Аризона университетига таълим оляпти.

Райимбекнинг ҳикояси бизнинг ёшларимизга бир нарсани кўрсатди: катта натижа учун туғилган жой эмас, танланган йўл муҳим. Имконият

узоқдан келмайди, унга интилган одамнинг ўзи йўл очади. Бугун унинг ортидан яна кўплаб ёшлар чет тилини ўрганишга, грантларга тайёрланишга ва ўз олдига баланд мақсад қўйишга ҳаракат қиялпти. Биз учун энг катта ютуқ ҳам шу — битта муваффақият бошқаларнинг ҳам орзусига қанот бўлаётгани.

Шу руҳ билан маҳалламизда чет тилларини ўқитишга алоҳида эътибор қаратаймиз. Ёшлар билан индивидуал ишлашга ҳаракат қиламиз. Натижа ҳам йўқ эмас. Мактаб ўқувчимиз Жа-воҳир Қуролбоев инглиз тили бўйича республика босқичида қатнашиб, 110 миллион сўм мукофотни қўлга киритди. Яна бир фахрли воқеа — худудимиздаги 47-сонли мактаб жамоаси “Энг яхши чет тили мактаби” танловида биринчи ўринни олиб, 250 миллион сўмлик ваучер соҳибига айланди.



Мана шундай кетма-кет ғалабаларни кўрганимда ичимда яна янги мақсадлар уйғонади. Чунки ёшлар муваффақият қозонса, маҳалла нафаси ўзгаради.

Энди олдимиздаги навбатдаги ният — Ёшлар боғини ташкил этиш. Жойи тайёрланган. Уни битириб, маҳалламиз ёшларини бир жойга жамлашни, бўш вақтини мазмунли ўтказадиган, фикри кенгайдиган, орзулари улғаядиган маскан яратишни мақсад қилганмиз.

КИМДА ИҚТИДОР ЙЎҚДИР...

Эгизаклар 3 та тилни қандай ўрганди?

Фотима ва Зухра — Ғиждувон туманидаги “Чағдари” маҳалласидан бўлиб, ҳозир ўзбек тилидан ташқари рус, инглиз ва немис тилларида ҳам бемалол мулоқот қила олади. Улар бу тилларни махсус курсларсиз, асосан, бепул онлайн дарслар орқали мустақил ўрганган.

Диёра НАБИЖОНОВА.

Эгизакларнинг отаси устачилик, онаси эса тикувчилик билан шуғулланади. Оилада катта моддий имкониятлар бўлмаган бўлса-да, ота-она фарзандларининг таълимига алоҳида эътибор қаратган. Қизларнинг айтишича, тил ўрганишга қизиқиш уларда 3 ёш атрофида шаклланган. Отаси уйга расмли лўғатлар олиб келиб, сўз ва тасвир ўртасидаги боғлиқликни ўйин орқали мустаҳкамлаган.

— Дадамиз кўп расмли лўғатлар олиб келарди, — дейди Фотима. — Биз расмларга қараб, нарсаларни тасвирлаб беришга ҳаракат қилардик. Онамиз эса сўзларни ўйин тарзида ўргатарди. Шу сабаб тил ўрганиш биз учун мажбурият эмас, қизиқарли машғулот бўлган.

Эгизаклар тил ўрганишда ўзаро ҳамкорлик қилиб келади: бири рус тилида савол берса, иккинчиси инглиз тилида жавоб бериб, бир вақтнинг ўзида икки тилни машқ қилади. Мутахассислар бунчи усулни кўп тилли муҳит яратиш усули сифатида баҳоляди. Фотима ва Зухра тил ўрганишда интернетдан фойдаланган. “YouTube”даги бепул дарслар, тил ўргатувчи каналлар ва хорижий видеолар орқали билимини мустаҳкамлаб боради. Аввалига тушуниш қийин бўлса-да, мунтазам тинглаш ва такрорлаш орқали тил аста-секин ўзлаштирилганини айтишади.



Қизлар тилни китоб мутолааси орқали ҳам ривожлантиради. Уларнинг фикрича, китоблар нафақат тилни, балки дунёқарашни ҳам кенгайтиради.

Ҳозирда Фотима ва Зухра ўз билимларини бошқалар билан ҳам улашмоқда. Мактабда уларнинг дарс ўтиши учун синфхона ажратилган. Дарсларда турли ёшдаги, жумладан 30 ёшдан ошган ўқувчилар ҳам қатнашмоқда.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

“Отам ўзбек, фуқаролик олишим мумкинми?”

Нора ОБИДОВА.

— Отам Ўзбекистон, онам эса Германия фуқароси. Мен немис диёрида туғилганман ва ҳозир Германия фуқаролигига эгаман. 22 ёшдан, шу ҳолатда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олишим мумкинми?

Акмал ЖАСУРОВ,
хўқуқшунос, адвокат:

— Сиз ҳозир Германия фуқароси эканингизни билдиргансиз. Шу билан бирга, отангиз Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлгани сабабли, аввало, сиз туғилган пайтда Ўзбекистон фуқаролигини ҳам олганмисиз ёки йўқми — шу ҳолат

аниқланиши керак. Бола туғилган жойидан қатъи назар, агар ота-онасидан бири Ўзбекистон фуқароси бўлса, айрим ҳолларда туғилганлик бўйича Ўзбекистон фуқаролигини олиши мумкин.

Агар сиз илгари Ўзбекистон фуқароси деб эътироф этилган бўлсангиз, кейинчалик фуқаролик мақомингиз сақланганими ёки йўқотилганими, бу масалани ваколатли ташкилотлар алоҳида тартибда кўриб чиқади.

Шу сабабли ҳозир сизга “Ўзбекистон фуқаролигини йўқотгансиз” ёки “албатта, фуқаролик оласиз”, деган қатъий хулоса бериш тўғри бўлмайди. Сиз Ўзбекистоннинг Германиядаги консуллик муассасасига ёки фуқаролик масалалари бўйича ваколатли ташкилотларга мурожаат қилиб, аввало, фуқаролик мақомингизни аниқлаштиришингиз лозим.



Агар сизда Ўзбекистон фуқаролиги мавжуд эмас деб топилса, қонунчиликда назарда тутилган тартибда фуқароликка қабул қилиш ёки фуқароликни тиклаш масаласини кўриб чиқишингиз мумкин.



Янги қонун билан
КОРРУПЦИЯГА ОИД
ЖИНОЯТЛАРНИНГ
АНИҚ РЎЙХАТИ
белгиланди.



Ўзбекистондаги
энг кекса
ИККИНЧИ ЖАҲОН
УРУШИ ҚАТНАШЧИСИ
РЎЗИБОЙ САТТОРОВ
116 ёшида вафот этди.



АҚШнинг
Ўзбекистон шаҳрида
Ўзбекистон халқ шоири
АБДУЛЛА ОРИПОВ
УЙ-МУЗЕЙИ очилди.

6

Mahalla №50

2026 йил
24 июнь,
ЧОРШАНБА

“МАҲАЛЛА — ИЖТИМОИЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”



ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

БАРЧА БИРДЕК ЭЪТИБОРДА, ҲЕЧ БИР ОДАМ ЯККАЛАНИБ ҚОЛГАН ЭМАС

Мамлакатимизда олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг энг асосий мақсади, аввало, ҳар бир фуқароннинг ҳаётдан рози бўлиб яшашини таъминлаш, эҳтиёжманд қатламларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг жамиятда мустақкам ўрин топишига кўмаклашишдан иборат.

Жавохир РАЖАБОВ,
Амударё туманидаги “Бўстон”
маҳалласи ижтимоий ходими.

Б у борада “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази жойларда халқ билан давлат ўртасидаги энг муҳим ва ишончли кўприкка айланиб улгурди. Ушбу марказларнинг шарафли вази-фаларини адо этиш эса зиммамиздаги катта масъулият.

Худудимизда яшовчи 158 нафар ногиронлиги бўлган шахс билан айнаи шу ёндашув асосида иш олиб борапмиз. Ижтимоий реестрига киритилган 146 та оила ҳамда васийлик ва ҳомийликка

олинган 13 нафар вояга етмаган бола доимий равишда диққат марказимизда. Бу тоифадаги фуқароларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, уларни жамиятга тўлақонли мослаштириш ва ижтимоий яқкаланиб қолишнинг олдини олиш мақсадида тизимли ишлар йўлга қўйилган.

Жумладан, ҳаракатланишида нуқсонли бўлган ҳамда ўзгалар кўмагига муҳтож 9 нафар ногиронлиги бўлган шахсга махсус ҳасса, 2 та оддий ногиронлик аравачаси ҳамда 1 та замонавий электрон юритмали аравача етказиб берилди. Шу билан бирга, ҳаракат та-янч тизимида муаммоси бўлган фуқаролар учун 4 та тирсакли кўлтиқтаёқ, эшитиш қобилияти пасайган инсонлар-

га 3 та эшитиш мосламаси ҳамда 2 та катталар учун оёқ протези ажратилди.

Бундан ташқари, ўзгалар парвар-шига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ҳамда оғир турдаги ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт тарзини сифатли ижтимоий хизмат кўрсатиш орқали яхшилаш мақсадида маҳалладаги 3 на-фар 1 гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсга расмий равишда қаровчи бириктирилди. Мазкур қаровчиларга меҳнат қонунчилигига кўра, иш стажии юритил-моқда. Бу орқали нафақат ногиронлиги бўлган шахсларнинг кундалик эҳти-ёжлари қондирилмоқда, балки уларга ғамхўрлик қилаётган кишиларнинг ҳам ижтимоий ҳамда меҳнат ҳуқуқлари мус-тақкам қафолатланмоқда.



ИЖТИМОИЙ ҲУҚУҚ — ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ ТАМОЙИЛИ

Ҳар дарднинг давоси — ҳаётга интилиш ва умид туйғусидир

Учкўприк
туманидаги
“Боғибўстон”
маҳалласида
кундузги пар-
вариши хиз-
мати орқали
кутилгани-
дек юқори
натижаларга
эришиляпти.
Мазкур хиз-
мат 3-8 ёшли
имконияти
чекланганлар
учун мўлжал-
ланган бўлиб,
ҳозирда бу
масканга
11 нафар бола
жалб
қилинган.

Давлатжон ПОЛВОНОВ,
Ижтимоий ҳимоя миллий
агентлиги Фарғона вилояти
бошқармаси матбуот котиби.

У ларни ҳар куни яшаш манзилларидан олиб келиш ва кун якунида яна ўз яқинлари бағрига элтиб қўйиш учун бепул транспорт ташкил этилган. Уқалаш, даволовчи жисмоний тарбия ва логопедик машғулотларнинг узвий тарзда олиб борилиши натижасида бо-лаларда сезиларли ўзгаришлар кўзга ташланыпти.

— Ҳалимаҳон исмли қизча-миз дастлаб ўзгалар кўмагисиз ҳаракатлана олмас эди, — дей-ди яқка тартибдаги тadbиркор Бобурмирзо Бахтиёрров. — Бир неча ой давомида ходимла-римиз бу қиз билан астой-дил шуғулланишди ва ҳозир Ҳалимаҳон мустақил юришни бошлади. Ҳаётжон эса аввалига белини тутолмасди, ўтиролмас-ди. Энди у ҳам бемалол ўти-ряпти, оз-оздан ҳаракатланыпти. Мутлақо гапирмаган Элшодбек эса яқиндан бошлаб “дада”, “ая”, “опа” каби сўзларни се-кин-аста талаффуз қиляпти. Бу натижалар болаларнинг ота-оналаридан катта қувонч ва умид уйғотмоқда.



Туманда “Фаол ҳаётга қа-дам” дастури доирасида кўрса-тилаётган ижтимоий хизматлар кўлами ҳам ортиб бормоқда. Бинобарин, “Инсон” ижтимо-ий хизматлар маркази кундуз-ги қатнов асосида қараб туриш хизмати учун 12 та, уйда қараб

туриш хизмати учун 61 та, тиб-бий-ижтимоий реабилитация хизмати учун 8 та, ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш учун 99 та ва шахсий ёрдамчи хиз-мати учун 2 та ваучер шаклан-тирилган бўлиб, шу кунга қадар ногиронлиги бўлган ва ўзгалар

парварishiга муҳтож ўнлаб фуқароларнинг ижтимоий фаоллигига эришилди.

“Тепакўргон” маҳалласида яшовчи Барчиной ая Ўбай-дуллаева ўтган йили кундузги қатнов асосида қараб туриш хизматига жалб қилинган. 6 йил давом этган хасталик онахоннинг тинчка-мадорини қуритган, қайта оёққа туриш-дан буткул умидини узган ва тушкун кайфиятда эди.

— Маҳалладаги ижтимоий ходим жонимга оро қирди, — дейди биз билан суҳбат-да Барчиной ая. — Уйимга келиб, шу хизмат тўғрисида тўлиқ маълумот беришга, кўнглим бирдан ёришиб кет-ди. Ўшандан бери ҳар куни марказдаман ва кўриб турга-нингиздек, анча тетикман. Ав-валига ҳассага таяниб юриш-ни бошлаган бўлсам, ҳозир мустақил қадам босаяпман.

Барчиной аянинг айтиши-ча, тўшаққа миҳланиб қолган йиллари ёлғиз ўғли унинг пар-вариши билан банд бўлди ва табиийки, ногиронлик нафақа-си оиланинг ягона даромади эди. Кундузги қатнов асосида қараб туриш хизматига жалб қилинган, фарзанди ишлай бошлади ва оиллага барака кирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2026 йил-да ҳудудларни янгилаш ҳа-дудлари асосида ривожлан-тириш орқали аҳоли дарома-дини ошириш, барқарор иш ўринларини яратиш ҳамда камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарори асосида Учкўприк туманида ногиронлиги мав-жуд ва меҳнатга лаёқатли аъ-зоси бўлмаган 29 та хонадонда “яшил таъмир” ишлари олиб борилиши белгиланган.

“Ҳасанқора” маҳалласида яшовчи 1 гуруҳ ногиронлиги бўлган Муҳиддин Тошўлатов-нинг хонадони ушбу қарорга мувофиқ таъмирланди. Энер-гия тежамкор эшик-ромлар ўрнатилди, уй деворларига базальт қопланди, шифт ва пол қисмлари тўлиқ янгиланди. Тез орада гелиоколлектор ва иситиш тизимлари ҳам ўрна-тилади. Натижада оила учун янада қулай ва муносиб яшаш шароити яратилади, энергия сарфи сезиларли даражада камайишига эришилади.

Энг муҳими, кўрсатилаёт-ган ижтимоий хизматлар орқа-ли юзлаб инсонларда эртанги кунга ишонч, яшашга интилиш ва янги имкониятларга умид пайдо бўлаётир.

БИР КЕКСА — БИР ҲОМИЙ: МЕҲР ВА ЭЪТИБОР ИНСОН ҚАДРИНИ ЮКСАЛТИРАДИ

Юртимизда кексаларни ёзозлаш, уларнинг ҳолидан хабар олиш ва муносиб ҳаёт кечиришлари учун шароит яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан.



Зарина УСМОНОВА,
Жондор туманидаги
“Нурафшон” маҳалласи
ижтимоий ходими.

А йниқса, ёлғиз яшовчи ҳамда ўзга-лар парварishiга муҳтож киши-ларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш ва ҳаёт сифати-ни яхшилаш муҳим аҳамият касб этади.

Шу мақсадда маҳалламиз-да “Бир кекса — бир ҳомий” ташаббуси амалга оширил-моқда. Ушбу лойиҳа орқали ёлғиз кексаларга доимий эъ-тибор қаратиш, уларни саҳо-ватли инсонлар ва ҳомийлар билан боғлаш, амалий ва маъ-навий кўмак кўрсатиш ишлари йўлга қўйилган.

СИЗ ЁЛҒИЗ ЭМАССИЗ...

Ташаббус доирасида маҳаллада яшовчи ёлғиз кекса Клара Алимова-нинг ижтимоий ҳолати атрофича ўрга-нилди. Натижада унинг доимий эъти-бор ва кўмакка муҳтожлиги аниқланиб, ҳомий сифатида Меҳриддин Алимов ва унинг оиласи бириктирилди.

Меҳриддин Алимов ҳозирда Рос-сия Федерациясида меҳнат фаолияти билан шуғулланса-да, маҳалла ҳаётдан четда қолмаётган фаол ва саховатли инсонлардан бири ҳисобланади. Унинг турмуш ўртоғи ва фарзандлари ҳам бу хайрли ишда иштирок этиб, кекса она-хоннинг ҳолидан мунтазам хабар олиб туришибди.

Ҳомий оила Клара Алимовага озик-овқат махсулотлари, зарур эҳтиёж воси-талари етказиб беради. Шунингдек, маънавий қўллаб-қувватлаш ишларини ҳам олиб боради. Бу ғамхўрлик натижа-сида кекса онахоннинг турмуш шаро-ити яхшиланиб, ўзини жамият эътибори-да ҳис қилишига эришилди.

Мазкур ташаббус маҳаллада меҳр-оқибат, инсонпарварлик ва ўза-ро ҳамжиҳатлик муҳитини янада мус-таҳкамлашга хизмат қилмоқда. Энг муҳими, бу каби эзгу ишлар орқали ёлғиз кексаларнинг қалбига илиқлик ва ишонч улашилмоқда.



Сахифани
“Mahalla” мухбири
Шахноза
РАҲИМХҲҲАЕВА
тайёрлади.

ЯНГИЛИК

КАСАЛЛИК НАФАҚАСИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ЎЗГАРАДИ

2026 йил 1 июлдан бошлаб вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик (касаллик) нафақасини тайинлаш ва тўлашнинг янги тартиби жорий этилади.



1. Касалликнинг дастлабки даври учун тўлов киши берувчи, кейинги даври учун эса Давлат ижтимоий сугурта жамғармассидан амалга оширилади.
2. Нафақа иш стажига қараб белгиланади. Бунда 6 ойдан 8 йилгача — ўртача иш ҳақининг 60 фоизи, 8 йилдан ортиқ — 80 фоизи этиб белгиланган.
3. I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, 4 ва ундан ортиқ фарзанди бор ҳамда ногиронлиги бўлган фарзандни тарбиялаётган ота-оналар учун нафақа миқдори 20 фоизга оширилади.
4. Нафақа 1–15-кунлари тайинланса — оининг 25-санасигача, 16-санадан кейин тайинланса — кейинги оининг 10-санасигача тўланади.
5. Касаллик нафақаси бир календар йилида 7. жами 182 кунгача тўланади.
6. Нафақа ҳисобланганда иш ҳақининг МҲТКМнинг 10 бараваридан ошмаган қисми инобатга олинади.
7. Нафақа тайинлаш ва тўлаш жараёни электрон шаклда амалга оширилади. Янги тартиб касаллик нафақасини та-йинлаш ва тўлаш тизимини янада шаффоф, қулай ва адолатли қилиш, фуқароларга хиз-матларни тезкор ҳамда замонавий шаклда кўрсатишга хизмат қилади.



Ўзбекистонда
2026 йилнинг
дастлабки беш ойида
21 минг 553 нафар
фуқарога
ИПОТЕКА
КРЕДИТЛАРИ
АЖРАТИЛДИ.



Ўзбекистонда
шаҳарсозлик
ислоҳотлари
натижасида
мамлакатнинг
УРБАНИЗАЦИЯ
ДАРАЖАСИ
51 ФОИЗГА ЕТДИ.



Ўзбекистонда
МУОМАЛАДАГИ
НАҚД ПУЛЛАР
МИҚДОРИ
тарихда
биринчи марта
411,43 триллион
сўмга етди.

2026 йил
24 ИЮНЬ,
ЧОРШАНБА

Mahalla №50

7

“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”



БУХОРО

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...



Ўктам АЗИЗОВ. Навоий вилояти:

— Мен якка тартибдаги тадбиркор сифатида савдо фаолияти билан шуғулланаман ва шу йўналиш бўйича солиқ тўлайман. Яқинда қўшимча равишда хизмат кўрсатиш фаолиятини ҳам бошладим. Бундай ҳолатда қўшимча иш тури учун солиқни қандай тартибда тўлашим керак?

Бир нечта фаолият тури учун битта солиқ тўланадими?

Суннатулла НАЗАРОВ,
Навоий вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғи:

— Агар сиз якка тартибдаги тадбиркор сифатида бир нечта фаолият тури билан шуғуллансангиз, солиқ ҳисоблашда факат асосий фаолиятингиз эмас, балки қўшимча фаолиятингиз ҳам инобатга олинади.

Солиқ кодексининг 375-моддасига кўра, фаолиятнинг бир неча тури билан шуғулланувчи солиқ тўловчилар қатъий белгиланган солиқни ҳар бир фаолият тури бўйича алоҳида тўлайди. Яъни битта солиқ тўлаб, барча фаолиятларни қамраб олишингиз мумкин эмас. Масалан, сиз савдо фаолияти билан шуғулланиб келаётган бўлсангиз ва кейинчалик қўшимча равишда хизмат кўрсатишни бошлаган бўлсангиз, бу ҳолатда:

- ❑ қўшимча фаолият турини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказасиз;
 - ❑ ҳар бир фаолият тури учун амалдаги солиқ ставкаси аниқланади;
 - ❑ шундан сўнг солиқ ҳар бир фаолият тури бўйича алоҳида ҳисобланиб, алоҳида тартибда тўланади.
- Шу сабабли қўшимча фаолият бошлашдан олдин унинг солиқ тартибини олдиндан аниқлаб олишингиз муҳим. Бу келгусида ортиқча ҳисоб-китоблар ёки солиқ мажбуриятлари юзага келишининг олдини олади.

СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ

ТАДБИРКОРНИ ТИНГЛАСАНГИЗ, ТЎҒРИ ЙЎЛ КЎРСАТСАНГИЗ, ИШОНЧ ОРТАВЕРАДИ

“Қалол Маҳмуд” маҳалласида бугун 1 387 нафар фаол солиқ тўловчи бор, 40 дан ортиқ тадбиркорлик субъекти фаолият юритади. Уларнинг асосий қисми чорвачилик ва қишлоқ хўжалиги билан шуғулланади.

Сулаймон Жўраев,
Бухоро туманидаги “Қалол Маҳмуд” ва “Кўчқўмар” маҳаллалари солиқ инспектори.



Солиқ инспекторининг вазифаси оддий кўрингани билан жуда масъулиятли — фуқароларнинг ҳар бир муурожаатини тинглаш, солиқ бўйича ҳисоб-китобларни аниқ рақамлар билан тушунтириш ва хатога йўл қўймаслик. Чунки солиқдаги кичик адашиш ҳам фуқаронинг ишончига таъсир қилади.

Шу боис мен ҳар доим бир нарсани ўзимга қоида қилганман: тадбиркор хато қилган бўлса, унга, аввало, қонуний йўлни кўрсатиш, ҳисоб-китобни тўғрилаш ва фаолиятини тўғри йўлга қўйишга ёрдам бериш керак. Чунки тадбиркор ривожланса, маҳалла ривожланади.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ!

ОЎЗАКИ ТАЛАБ СОЛИҚ МАЖБУРИЯТИНИ БЕРМАЙДИ

Кейинги вақтларда якка тартибдаги тадбиркорлардан бир хил мазмундаги муурожаатлар кўпаймоқда. Уларнинг айтишича, солиқ инспекторлари телефон орқали боғланиб, ҳисоботга айрим тушуملарни “прочие доходы” сифатида киритиш ва шу асосда қўшимча солиқ тўлашни талаб қиляпти.

Насим ОЧИЛДИЕВ,
Солиқ аудити ва солиқ назорати бўйича иқтисодчи-эксперт.

Тадбиркорлар мазкур маблағлар товар сотиш ёки хизмат кўрсатиш натижасида келиб тушмаганини тушунтирганда, жавоб сифатида “унда текширув чиқарамиз”, деган огоҳлантиришни эшитишмоқда. Бу ерда энг муҳим масалани ажратиб олиш керак: телефон орқали айтилган талаб ҳуқуқий қарор ёки мажбурий кўрсатма ҳисобланмайди. Солиқ муносабатларида ҳар қандай талаб ёки ҳулоса қонунчиликда белгиланган тартиб асосида расмийлаштирилиши лозим.

Албатта, солиқ ташкилотлари амалиётларни фақат номи бўйича эмас, балки унинг ҳақиқий иқтисодий мазмунидан келиб чиқиб баҳолаш ваколатига эга. Агар муайян тушум аслида тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромад, деб баҳолангани учун асослар мавжуд бўлса, солиқ ташкилотли бу ҳақда тегишли ҳулоса чиқариши мумкин. Бироқ бундай қарор оғзаки эмас, ҳуқуқий тартибда қабул қилиниши шарт.



Тадбиркор солиқ тўлаш мажбуриятига эга. Бироқ солиқ ташкилотлари ҳам ўз ваколатини фақат қонун доирасида амалга ошириши шарт. Ҳеч бир меъёр солиқни телефон орқали ҳисоблаш ёки тадбиркорни асоссиз босим остига қўйиш ҳуқуқини бермайди.



Яъни инспектор, аввало, қайси маблағ, қайси санада ва қайси манбадан келиб тушганини кўрсатиши, нега айнан шу тушумни солиқ базасига киритиш лозим, деб ҳисоблаётганини ёзма равишда асослаб бериши керак. “Прочие доходы” қилиб қўйинг”, деган умумий кўрсатма ҳуқуқий жиҳатдан етарли асос ҳисобланмайди. Шунингдек, текширув билан кўрқитиш ҳам солиқ назоратининг мустақил ҳуқуқий усули эмас. Агар солиқ ташкилотида ҳақиқатан ҳам текширув ўтказиш ёки қўшимча ҳисоблаш учун

асослар бўлса, бу белгиланган тартибда расмий ҳужжатлар орқали амалга оширилиши керак. Тадбиркорни телефон орқали босим остига қўйиш ҳуқуқий давлат тамойилларига мос келмайди.

Агар шундай ҳолатга дуч келсангиз, аввало талабни ёзма шаклда беришларини сўранг. Қайси ҳуқуқий меъёрга асосланганлигини аниқлаштиринг. Зарурат бўлса, юқори туровчи солиқ ташкилотига расмий шикоят юборинг ёки суд тартибиде ҳуқуқингизни ҳимоя қилинг.

Маҳалламизда майда чакана савдо билан шуғулланадиган тадбиркорлар кўп. Уларнинг фаолиятини доим кузатиб бораман. Мақсад — текшириш эмас, бирор адашмовчилик йўқми, эртага кичик хато катта муаммага айланиб кетмайдими, солиқ юки кичик тадбиркорга оғирлик қилмаяптими — шуларни билиш. Шу сабаб уларни тинглайман, саволларига жавоб бераман.

Юртимизда яна бир янги олий таълим муассасаси — Солиқ олий мактаби ташкил этилди.

Солиқ олий мактаби иш бошлади

Нилуфар МУРОДОВА.

Бу олийгоҳ Президентимизнинг “Солиқ органлари фаолиятини институционал жиҳатдан такомиллаштириш ва солиқ маъмуриятчилигида замонавий ёндашувларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони асосида очилган бўлиб, унинг асосий мақсади — солиқ тизими ва иқтисодиётнинг турли соҳалари учун замонавий билимга эга, амалиётга тайёр мутахассисларни етиштиришдан иборат. Бу ерда талабаларга фақат китобдаги назария эмас, балки ҳаётда ва иш фаолиятида керак бўладиган билим ва кўникмалар берилади. Яъни талаба ўқишни тугатгач, ўз йўналиши бўйича ишлашга тайёр мутахассис бўлиб шаклланиши кўзда тутилган.



Солиқ олий мактаби, бу — шунчаки янги университет эмас. Бу — ўз олдида катта мақсад қўйган, эртанги кун мутахассисларини тайёрлайдиган, ёшларнинг билим олиб, мустақкам касб эгаллаши учун яратилган янги имкониятдир.

Саҳифани
“Mahalla”
муҳбири
Шаҳноза
ХАЛИЛОВА
тайёрлади.





Навоийда йўл ҳаракати хизмати инспекторига 1 000 ДОЛЛАР ПОРА беришга уринган шахс қўлга олинди.



Эски машинасини утилизацияга топширмаганлар БҲМНИНГ 30 БАРОБАРИ МИҚДОРИДА ЖАРИМА тўлайди.



Тошкентда автобуслар учун “А” тоифасидаги махсус йўлаклар делиниаторлар — ЖИСМОНИЙ АЖРАТУВЧИ ЭЛЕМЕНТЛАР билан ажратилади.

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА, ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”



ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

ЖИНОЯТ, ДЕГАН ТУШУНЧА БУ ҲУДУДГА БЕГОНА

...Иш куни-миз маҳалла идорасига хавотир билан кириб келган Абдулла ота Соибназаровнинг мурожаати билан бошланди. Отахон қўлидаги шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини кўрсатиб, ички бир дард билан менга юзланди: “Уйимизда оилавий яшай-миз, лекин рўйхатни текширсак, хонадонимизга яна 6 нафар бегона фуқаро рўйхатга қўйилган экан. Булар кимлигини билмай-миз, шуни аниқлашда ёрдам беринг”, деди.

Дилшод МАҲМАДҚУЛОВ, Ховос туманидаги Фарҳод номли маҳалла профилактика инспектори.



Мурожаатни безътибор қолдирмадик. Ўша заҳоти отахон-қўшнилари гувоҳлигида далолатнома туздик. Кейин “Энди хавотирга ўрин йўқ. Мана шу ҳужжат асосида миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими уларни уйингиздан ўчиради”, деб кўнглини хотиржам қилдик. Ҳа, гувоҳи бўлганингиздек, ҳар бир мурожаатни вақтида ва қонуний ҳал этилишига эришяпмиз. Соҳада 36 йиллик тажрибага эгаман. 5 340 нафар аҳоли истиқомат қиладиган ушбу файзли маҳаллада 2021 йилдан бери ишлайман. Ўшанда ҳудудимиз жиноятчилик кўп содир бўладиган “қизил” тоифада эди. Вазиятни чуқурроқ ўрганимизда англадикки, катта жиноятлар аслида оддий қўни-қўшни, ака-ука ўртасидаги майда низолаarga ўз вақтида эътибор бермаганимиздан келиб чиқар экан.

Ҳозир “яшил” тоифада-миз. Ҳар қандай масалани “етилик” билан ҳамкорликда кўриб чиқамиз. Чунки муаммолар ўзаро бир-бирига боғлиқ. Оилавий низола, аввало, хотин-қизлар фаоли билан ўрганилади. Эҳтиёжга қараб, ҳоким ёрдамчисини жалб этамиз. Масалан, уруш-жанжалга ишсизлик сабаб бўлса, ҳоким ёрдамчиси кўмагига таянамиз. ...Қўнларнинг бирида ҳузуримизга бир онахон кириб келди. “Келиним хунарсиз, уйда бекор утирибди. Шу кизни бирор касбга йўналтириш-га, хунар ўрганишига ёрдам берсангиз”, деди. Бандлиқни таъминлаш — жиноятнинг олдини олиш демакдир. Чунки бекорчилик-

БУГУННИНГ ҚАҲРАМОНИ

Мусибатда елкадош, офатда қалқон бўлиб...



Ҳар тонг маҳалла аҳлининг омонлиги ва хотиржамлиги билан бошланиши — энг катта бахт. Бироқ ҳаёт доим бир текис давом этмайди. Баъзан сониялар ичида содир бўлган қўнғирлик кўнғирлик инсонлар тақдирини, уларнинг йиллар давомида пешона тери билан топган мол-мулкни хавф остига қўяди.

Абдуллажон ҚУЧҚОРОВ, Қўнғирлик туманидаги “Тархонан” маҳалласи профилактика инспектори.



Маҳалламиздаги бир хонадонда содир бўлган ёнғин бу фикрни яна бир бор исботлади. ...Ўша куни ҳудудда кўндалик хизмат вазифасини бажариб, “хонадонбай” ўрганиш олиб бораётган эдим. Тўсатдан узокдан, шимол томондан кўкка ўрлаётган қўн-қора, қўқоқ тутун эътиборимни тортди. Тутун сония сайин қўқоқлашиб, осмон бағрини қоплай бошлади. Кўн йиллик хизмат тажрибам ва қалбим бир ноҳушлик бўлганини, қайсидир маҳалладошимнинг уйига офат чанг солганини сездирди. Ички бир хавотир билан тутун чиқаётган манзил томон шошилдим. Воқеа жойига етиб келганимда, хонадон аҳли ўзини йўқотиб қўйган, уй эгалари саросимада уввос солиб йиғлашар, тилсиз ёв эса тобора ва-жохат билан биноларнинг том қисмини домига олаётган эди. Ёнғин хавфсизлиги ходимларини қўтиб ўтирмай, ишга киришдим. Биринчи навбатда, ҳали олов етиб бормаган уй ичида одамлар йўқлигига ишонч ҳосил қилиб, оила аъзоларини хавфсиз жойга чиқариб олдим. Уларнинг қўқуқ тўла кўзларига қараб: “Хавотир олманглар, мен шу ерданам, ҳаммаси яхши бўлади”, деб, бироз бўлса-да, тинчлантиришга ҳаракат қилдим. Чунки бундай пайтда одамларга руҳий мадад жуда муҳим.

Мен учун профилактика инспектори бўлиш — фақат қонун бузилишини назорат қилиш эмас. Бу — маҳалладошимиз бошига мусибат тушганда биринчи бўлиб елкадош бўлиш, керак бўлса, унинг ҳаёти ва мол-мулкни асраш, демакдир.

Шундан сўнг, ўт ўчириш гуруҳлари етиб келганига қадар сониялар бизнинг зараримизга ишлаётганини тушуниб, оловга қарши “жанг”га кирдим. Қўшни ҳовлидаги жўмракдан сув олиб, аланга марказига сепа бошладим. Оловнинг иссиқ тафти, юзни куйдиргудек алангаси ва кўзни ёшлантирадиган аччиқ тутунига қарамай, бор кучим билан офатнинг қўшни хонадонларга ва уйнинг яшаш хоналарига ўтиб, катталлашиб кетишини тўхтатиб қолдим. Кўп ўтмай, воқеа жойига Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ёнғин-қўтқарув бўлими ходимлари етиб келишди, олов тўлиқ ўчирилди. Офат бартараф этилгач, хонадон эгаларининг кўзидаги ёш бу сафар қўрқувдан эмас, балки миннатдорликдан эканини кўрдим. Хонадон аҳлининг саломат қолгани ва уларнинг чин дилдан қилган дуолари мен учун бугунги куннинг энг олий мукофоти бўлди.

Ушбу сондаги барча мақолалар матнини мустахкам Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.



МЕНДА САВОЛ БОР...

Шахло РАҲИМОВА. Чирчиқ шахри:

— Маълумки, оилавий низо, уруш-жанжал сабабли инсонлар ҳаёти хавф остида қолиши мумкин. Шу сингари тазйик, зўравонлик ҳақида профилактика инспекторига оғзаки ёки ёзма мурожаат келиб тушганида, жабрланувчини ҳимоя қилиш учун қандай чора-тадбирлар кўрилади?



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.

Зўравонликка учраганлар ҳимоя ордерини қандай олади?

Бекмурод БЕКИМБЕТОВ, Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти ахборот хизмати ходими:

— Профилактика инспектори зудлик билан жабрланувчи билан алоқага чиқади. Қайси ҳолатларда қандай ҳужжат йиғилиши тушунтирилади. Фуқаро ички ишлар органлари ёки профилактика инспекторига мурожаат қилолмай, бошқа жойларга хабар берадиган бўлса, у ҳоҳ оғзаки, ҳоҳ ёзма мурожаат бўлсин, ҳар қандай ҳолат рўйхатга олинади. Ҳеч бири эътибордан четда қолиб кетиши мумкин эмас.



Тартибга кўра, профилактика инспектори воқеа жойига зудлик билан бориб, ҳужжатларни расмийлаштиради ва жабрланувчига ҳимоя ордерини беради. Бу ерда яна бир жиҳатини айтиб ўтишим керакки, “гуруч курмаксиз бўлмайди”, деганларидек, аёлларимизнинг ўзи ҳам оиладаги низолаарни келтириб чиқарувчи асосий сабабчилардан бири бўлиши мумкин. Бу уни ҳимоя ордерини олишдан маҳрум қилмайди. Лекин расмий оғоҳлантириш қўлланилади. Оилада қайнона, эр ёки бошқа шахслар билан низоли ҳолатларда унинг келиб чиқиш сабаблари ёки ҳимоя ордерининг берилиши аёлларимизни ҳам жавобгарликдан озқотмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шох кўчаси 59-уй. Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92. Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 8 919 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-620

